

“Тасдиқлайман”

Шахрисабз тумани ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи  Ж. Турдиев

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Шахрисабз тумани Тошбулоқ МФЙ Пастдектор қишлоғи ички кўчаларини жорий таъмирлаш

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ	ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ
Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисида эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Шахрисабз туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буён матн да буюртмачи деб юритилади).
Харид предмети:	Шахрисабз тумани Тошбулоқ МФЙ Пастдектор қишлоғи ички кўчаларини жорий таъмирлаш
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш,хизматни тугаллаш) шарти:	874 500 000 ( саккиз юз етмиш тўрт миллион беш юз минг ) сўм Шундан ҚҚС: 114 065 217 (бир юз ўн тўрт миллион нол олтмиш беш минг икки юз ўн етти ) сўм. Тошбулоқ МФЙ Пастдектор қишлоғи таъмирлаш ишларини бажариш 90 кунгача
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган “Очиқ бюджет” жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга киргандан сўнг 30 фоиз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Шахрисабз тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:	Т.Турдиев тел: 99 132 -19-64 Шахрисабз туман Аспи Жаллоб кучаси 76-уй
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.
Танловда иштирок этиш шарти:	Танловда иштирок этадиган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий ахборот (Устав ва гувоҳнома таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари); Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишни таъминлайдиган малака ҳужжатлари, танлаш таклифини қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закатат ёки банк қафолатининг мавжудлиги –Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган махсус техникалари тўғрисида маълумотлар,- Танловдаги объекта ўхшаш объектларда охири уч йиллик ш тажрибасига оид ҳужжатлар,-Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш,-Танлов иштирокчисини салоҳиятини белгиловчи ҳужжатлар, -Танлов иштирокчисини иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар.(Иштирокчилар танлов таклифларини махсус ахборот порталида эълон қилинган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда махсус ахборот порталида жойлаштирилади)
Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:	Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловида ҳужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча ҳужжатлар тўлиқ ва сифатли кўринишда бўлиши шарт.Ҳужжатлар асл нусхалари рангли сканер ҳолатида жойлаштирилади. Барча ҳужжатлар аниқ кўриниб туриши, шунингдек талабгор раҳбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт.Ёлғон ва нотўғри кирилган маълумотлар жойлаштирилган (электрон тизим орқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади.Барча иштирокчилар танловда қатнашишда меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари шарт.Ҳужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади.

Шахрисабз туман ободонлаштириш

бошқармаси ЙКСМ техназори:

Шахрисабз ободонлаштириш

бошқармаси бош ҳисобчиси:

 Т. Турдиев

 Ф. Сапаров

## ТАСДИКЛАЙМАН

Шахрисабз туман ҳокимлиги ободонлаштириш

бошқармаси

бошлиғи \_\_\_\_\_ Ж. Турдиев

“ 10 ” ноябрь 2022 йил

Шахрисабз тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йилги жамоатчилик фикри асосида шаклланган, "Очик бюджет" жамғармаси ҳисобидан пудрат ишлар бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштириладиган эълон талабномаларида

### ТАНЛОВ ИШТИРОҚЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	ТАЛАБ НОМИ	БАЛЛ	ТАВСИФИ
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлари иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўрточа сони бўйича кўрсаткичлар	20	Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР рақамлари. Статистик маълумотлар. Ходимлар сони ва тажрибаси тўғрисида маълумотлар меҳнат уз порталидан ўтган бўлиши, ушбу иш тури бўйича малакали мутахассислари бўлиши шарт. Ходимларнинг иш ҳақи реестири солиқ томонидан тасдиқланган ҳолатда ҳисоботлар билан биргаликда асли тақдим этилиши шарт.
2	Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлар мавжудлиги	20	Танловда иштирок этиши учун малака ҳужжатлари (Танловда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза, танлов предмети бўйича таклиф, 3 йиллик молиявий ҳисоботлар, иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи қафолат хати, харид комиссия раиси номига ёзилган коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза) Ушбу иш турини сифатли ва тез муддатда бажарилиши бўйича қафолат хати ва бажариш графиги
3	Танлов таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закалат ёки банк қафолатининг мавжудлиги	20	Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатишини асословчи танлов предмети бўйича талабгор ташкилотнинг банк ҳисоб рақамида танлов предметининг камида 20% миқдорда маблағлар қолдиғи бўлиши шарт. Агар ушбу талаб бўйича маълумотлар тўлиқ ва сифатли бўлмаган тақдирда, комиссия таркиби томонидан иштирокчи таклифи рад этилиши, ёки қисман баҳоланиш мумкин. Маълумотномалар эълонга қўйилган санадан кейинги санада банк электрон имзоси орқали тасдиқланган ҳолатда бўлиши шарт
4	Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланиладиган махсус техникалари мавжудлиги	20	Танлов иштирокчисининг ушбу қурилиш ишига тегишли махсус техникалари (Автогрейдер, Каток 9-12 тон, Асфальто укладчик, Водовоз, Самосвал) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, асли техпаспортлар.) асли ҳолатда тақдим этилиши шарт. Ижара асосида фойдаланиладиган техникаларга қисман баҳо берилди. Бунда ижара шартномаси қафолат хати ва техникаларнинг техпаспортлари асли ҳолатда тақдим этилиши шарт ҳамда юқоридаги ишга керакли кичик механизмлар рўйхати расм асосида ташкилотга тегишли бўлиши шарт.

5	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги йиллик иш тажрибаси. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш	15	Охириги йил давомида ушбу иш тури бўйича бажарилган ишлари бўйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари асл нусхалари (солик порталидан) тақдим этилиши шарт. Бошқа иш турлари ҳисобга олинмайди. Шунингдек аввалги таъмирлаш ишлари бўйича тегишли буюртмачилар томонидан ижобий тавсияномалар ёки хулосалар. Жорий таъмирлаш объектини жойида ўрганилганлигини тасдиқловчи хужжатлар
6	Талов иштирокчисининг салоҳияти	20	Пудрат ташкилоти электрон рейтинги тўғрисида маълумот. Тўловга кодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги. Ҳисоб рақамидаги қолдиғи. Солик, банк кредитлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар эълонга қўйилган кундан кейинги сана билан асли тақдим этилиши шарт
<b>ЖАМИ:</b>		115	

Изоҳ: Танлов якуни бўйича баҳолаш натижаларидан норози бўлган иштирокчилар, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2022 йилги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунинг 62-моддасига асосан, ўз шахсий кабенитлари орқали 2 иш кунида электрон тизим орқали аниқ далилларга асосланган ҳолда ўз эътирозларини жойлаштиришлар мумкин.

Агар икки иш кун ичида танлаш иштрочилар томонидан ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Шунингдек муҳокама белгиланган муддат тугганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан қўриб чиқилмаслиги тўғрисида огоҳлантираимиз.

Танлаш харид комиссия раиси:



Ж. Турдиев

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Т. Турдиев

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Ф. Сапаров

Танлаш харид комиссия аъзоси:

К. Арзиев

Танлаш харид комиссия аъзоси:

А. Бобокулов

Танлаш харид комиссия масъул котиби:

Ф. Нарзиева